**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали**

**БУЙРУҚ № 238**

Андижон шаҳар "23" XII 2021 йил

Ўзбекистон Респбликаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3953 сонли қарорига асосан РШТЁИМ Андижон филиалида давлат харидларини ўтказиш бўйича танлов комиссиясини тузиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1.Ўзбекистон Респбликаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3953 сонли қарорига асосан РШТЁИМ Андижон филиалида 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат харидларини ўтказиш бўйича қуйидаги таркибда танлов комиссиялари тузилсин.

1.1. Беморларни зарур дори-дармон ва боғлов воситалар билан таъминлаш мақсадида таъминотчи ташкилотларнинг тижорий таклифларини ўрганиш бўйича:

Ш.Нишонов – комиссия раиси, даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари;

Л.Шералиева – комиссия аъзоси, КУК раиси:

Г.Мамадалиева – комиссия аъзоси, дорихона мудири;

Н.Ибрагимов – комиссия аъзоси, ҳисобчи;

М.Қўчқарова – комиссия аъзоси, бош ҳамшира.

1.2. Филиалда даволанаётган беморларга сифатли хизмат кўрсатиш, беморларга етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида танлов иштирокчиларининг озиқ-овқат ва кир ювиш хизматлари (аутсорсерлар) таклифлари, бажариладиган жорий таъмирлаш ишлари, тиббий асбоб-ускуналарни таъмирлаш ишлари, электр жиҳозларини лабораториядан ўтказиш хизматлари ва бошқа хизматлар бўйича танлов иштирокчиларини таклифларини ўрганиш бўйича:

Ш.Самсақов – танлов комиссияси раиси, директорнинг умумий ва иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари;

Л.Шералиева – комиссия аъзоси, КУК раиси;

Ж.Усмонов – комиссия аъзоси, компьютер муҳандиси;

Э.Рахимов – комиссия аъзоси, бош ҳисобчи;

Х.Бекбўтаев – комиссия аъзоси, бош иқтисодчи.

2. Танлов комиссияларига танловларни белгиланган тартиблар асосида соф, адолатли ва очиқ ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Кадрлар бўлими бошлиғи (Г.Ахмедова)га:

Юқорида тузилган комиссия аъзоларига амалга ошириладиган ЎзР ТХБ электрон порталида танловларда 2022 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 348-сон “Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ филиалда тузилган харид комиссиясининг ҳар бир аъзолари жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг сертификати билан қатнашиши белгиланган сабабли жорий йил 28 декабр кунигача шахсий ЭРИ калитларини олишини назорат қилиш ва ушбу буйруқ билан шахсан таништириш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур буйруқни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**РШТЁИМ Андижон филиали директори** **Д.М.Хакимов**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**РШТЁИМ Андижон филиали**
**директори ____________ Д.М.Хакимов**

РШТЁИМ Андижон филиалида дезинфекция ва дезинсекция ишларини бажариш бўйича

ТЕХНИК ШАРТЛАРИ

| № | Асосий маълумотлар | Иштирокчилар учун маълумотлар |
|---|---|---|
| 1 | Хизмат тури | РШТЁИМ Андижон филиали бўлимларида дезинфекция хизматини бажариш |
| 2 | Буюртмачи | РШТЁИМ Андижон филиали |
| 3 | Буюртмачи учун асос | Сан ПИН қоидаларига кўра |
| 4 | Хизмат кўрсатиш | Андижон шаҳар, Пушкин кўчаси 58-уй |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | - Танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва Тадбиркорлик субъекти бўлиши (ташкилот гувохномаси) (ўзбек тилида)<br><br>- Танловда катнашувчи корхона Низом нусхаси. (ўзбек тилида)<br><br>-танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза. (ўзбек тилида наъмунага асосан)<br><br>-Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида кафолат хати. (ўзбек тилида)<br><br>-Танлаш иштирокчисининг соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик органидан олинган маълумотнома. (ўзбек тилида)<br><br>-иштирокчининг ҳисобида ваколлатли орган (хизмат кўрсатувчи банк) томонидан тасдиқланган дезинфекция хизмати фаолияти бўйича шартнома суммасига тенг айланма маблағларига эга бўлиши. (ўзбек тилида)<br><br>-Дезинфекция хизмати соҳасида камида 1 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (усталар) иш стажлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотнома. (ўзбек тилида) |
| 6 | Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари | Ташкилот рўйхатдан ўтганлик гувохномаси ва низоми; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўклиги тўғрисида маълумот хамда банк айланма маблағлари тўғрисида маълумотлар бериши шарт |
| 7 | Хизмат тури | Дезинфекция хизмати |
| | Махсулот етказиб бериш муддати | Шартнома имзоланиб 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг 10 иш кунида |
| 9 | Хизматлар учун хисоб китоби | Дезинфекция хизмати учун хисоб-фактурага асосан тўловлар амалга оширилади. |

| | | |
|---|---|---|
| 10 | Техника хавфсизлиги буйича талаблар | Хизмат кўрсатиш вақтида шартнома шартларига тўлиқ риоя қилиниши шарт. |
| 11 | Молиялаштириш манбаи | Бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан |
| 12 | Хизматлар қиймати | Бажариладиган дезинфекция хизмати қиймати, бино ва хоналар ўлчамлари бўйича рўйхат асосида. |